O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 14 апрель, № 73 (4226) Шанба

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241¹-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 22 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015—XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5—6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4—5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5—6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1—2, 23-модда, № 9—10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9—10, 149-модда; 2004 йил, № 1—2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар) **241¹-моддасининг биринчи қисми диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, яъни тадбиркорлик фаолияти субъектини давлат рўйхатидан ўтказишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибини бузиш, тадбиркорлик фаолияти субъектини рўйхатдан ўтказишни ғайриқонуний рад этиш ёки рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаш, муайян фаолиятни амалга ошириш учун махсус рухсатнома (лицензия) беришни ғайриқонуний рад этиш ёки уни беришдан бўйин товлаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузиш, тадбиркорлик фаолияти субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаш, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган статистика ҳисоботини ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш ёхуд назарда тутилган ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддатларига хилоф равишда талаб қилиб олиш, худди шунингдек унинг мустақиллигини бошқача тарзда чеклаш ёки унинг фаолиятига бошқача тарзда ғайриқонуний аралашиш».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163—I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256—I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11—12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1—2, 23-модда, № 9—10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1—2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар) **44-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахсни ташкил этишнинг қонунда белгилаб қўйилган тартибини бузиш ёки унинг таъсис ҳужжатлари қонунга мос келмаслиги юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига сабаб бўлади. Давлат рўйхатидан ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби белгиланган юридик шахсларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди».

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 13 апрель
№ ЎРҚ — 91

## ПОЛЬША ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

*Мамлакатимизга ташриф буюрган Польша Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик бюроси котиби Владислав Стасяк 13 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби Мурат Атаев билан учрашди.*

Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Польша муносабатлари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Халқаро ҳамкорлик ва минтақавий хавфсизлик масалалари муҳокама қилинди. Терроризм ва экстремизмга, наркотик моддалар контрабандаси ва бошқа таҳдидларга қарши биргаликда курашиш зарурлиги қайд этилди.

В.Стасяк Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири В.Норов билан ҳам музокара ўтказди.

Польша делегацияси аъзолари Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишди. Жумладан, Мустақиллик майдонида ва Темурийлар тарихи давлат музейида бўлди. Польшалик меҳмонлар Тошкентдаги католик костёлини зиёрат қилди, тақдир тақозоси билан иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек заминига келиб қолиб, бу ерда мангу ором топган поляк аскарлари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди. Делегация аъзоларининг, шунингдек, Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги поляк аскарлари қабрини ҳам зиёрат қилиши режалаштирилган.

**(ЎзА).**



*Баҳорнинг серёғин кунларидан кейин чарақлаган офтоб тупроқни қиздиргани деҳқонлар кайфиятини кўтариб юборди. Намга тўйган далалар бағрида ўт-ўланлар баравж кўкариб, шоир таъбири билан айтганда, чор-атрофга яшил гилам ёйгандек бўлди.*



## КЎКЛАМ — МЕҲНАТ БИЛАН КЎРКАМ

Косонсой туманидаги «Тошкент» фермер хўжалиги аъзолари 45 гектар майдонда ғалла ўстиришяпти. Миришкорлар ҳар гектар ердан камида 70 центнердан сара дон етиштиришга бел боғлашган. Деҳқон меҳнатидан кўркамлашган далаларда майсалар гуркираб ривожланмоқда.

**СУРАТДА: фермер хўжалиги раҳбари Карима Бобожонова (ўртада), иш юритувчи Муҳибилла Абдуллаев, хўжалик аъзоси Манзура Султонова бугунги юмушлар ҳақида ўзаро суҳбатлашмоқдалар.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## ЕХҲТ АМАЛДАГИ РАИСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Испания Қироллигининг ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Мигель Анхель Моратинос Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.***

ЕХҲТнинг амалдаги раиси Ўзбекистонда амалга оширилган парламент ислоҳотлари, икки палатали парламентнинг фаолияти билан таништирилди.

Мулоқот чоғида Олий Мажлис билан ЕХҲТ Парламент ассамблеяси ҳамда Ўзбекистон ва Испания парламентлари ўртасидаги алоқаларнинг истиқболига доир масалалар муҳокама этилди. ЕХҲТ амалдаги раисининг давлатимиз раҳбари Ислом Каримов билан учрашуви Ўзбекистон ва ЕХҲТ ўртасида алоқаларни, жумладан, олий қонун чиқарувчи органларни, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш йўлидаги ҳамкорлик ривожини янада юксалтиришга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

М.Моратинос Ўзбекистон ташқи ишлар вазири В.Норов билан ҳам учрашди. Музокарада Ўзбекистон — ЕХҲТ муносабатларининг, мамлакатимиз билан Испания ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи ва истиқболига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЕХҲТнинг амалдаги раиси оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарар экан, ташриф самарали ўтганини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан мулоқотимиз чоғида Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид масалалар юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашдик, — деди Мигель Моратинос. — ЕХҲТ доирасидаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокамаси чоғида эса терроризм ва наркобизнесга қарши кураш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўналишда баҳамжиҳат иш юритиш мақсадга мувофиқдир. Чунки Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, террор ҳудуд танламайди.

Ўзбекистонда кучли демократик институтлар яратилганига гувоҳ бўлдим, — деб таъкидлади ЕХҲТнинг амалдаги раиси. — Жамиятни демократлаштиришга, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи кўплаб амалий ишлар қилинаётганини кўриб турибмиз. Ўзбекистоннинг ЕХҲТ доирасидаги фаол иштироки ташкилотимиз фаолияти кўп қиррали ва самарали бўлишига катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

**(ЎзА).**

*Миср ҳақида гапирганда, тасаввуримизда, аввало, бу ўлканинг тарихи, бетакрор маданияти, гўзал табиати-ю мўъжизакор эҳромлари намоён бўлади. У қадим-қадимдан ўзининг фусункор жамоли, осори атиқалари билан дунё аҳлини ром этиб келмоқда.*

Ўзбекистон-Миср:

## САМАРАЛИ АЛОҚАЛАР САРИ

Айни пайтда бугунги Миср ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг географик ўрнини ҳам эътиборга олиш зарур. Миср Араб Республикаси бир вақтнинг ўзида ҳам Африка, ҳам Яқин Шарқ ва Ўрта Ер денгизи бўйи ҳудудини бирлаштирган давлат ҳисобланади. Нил дарёси мамлакатни Африка билан боғласа, Сувайш канали азалдан Ғарбни Шарқ билан туташтирган. Шу билан бирга, Миср антик, мусулмон ва Европа буюк цивилизациялари кесишадиган жой ҳам. Аҳоли кўплиги жиҳатидан араб дунёсида биринчи, ҳудуди бўйича эса (Судан, Жазоир, Саудия Арабистони ва Ливиядан кейин) бешинчи ўринда туради.

Ҳозирги вақтда Миср Африка ва Осиё қитъасида тинчликсевар ташаббусларни илгари сурувчи давлатлардан бирига айланмоқда. Мазкур давлат Африка Бирдамлик Ташкилоти асосчиларидан бири ва Қўшилмаслик ҳаракати ташкилотчисидир.

Мозийга назар солсак, мамлакатимизнинг мазкур давлат билан ўзаро муносабатлари узоқ ўтмишга бориб тақалишини кўриш мумкин. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини араб мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб Миср Араб Республикаси тан олганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. 1992 йилнинг декабрида давлатимиз раҳбарининг илк хорижий сафари уюштирилган мамлакатлар қаторида Мисрнинг ҳам борлиги янада қувончлидир. Ушбу ташриф давомида ҳар икки давлат ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва кенгайтиришнинг асосий йўналишлари белгиланди. Бир қанча ҳужжатларнинг имзоланиши орқали муносабатларимизнинг ҳуқуқий асоси яратилди.

Бугун ўз минтақаларида етакчи давлатлардан саналувчи Ўзбекистоннинг ҳам, Мисрнинг ҳам бир-бирига яқинлиги, нуқтаи назарларининг ҳамоҳанглиги кўп жабҳаларда яққол кўзга ташланмоқда. Ҳар икки мамлакат президентларининг тинчликпарвар сиёсати хусусида алоҳида тўхталиш лозим. Бундай ҳамжиҳатлик, айниқса, БМТ доирасидаги ҳамкорликда, хусусан, терроризмга

(Давоми 2-бетда).

*Воқеалар, янгиликлар, хабарлар*

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



***Президентимиз Ислом Каримов 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва роли изчил ўсишини таъминлаш, жорий йилда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 45 фоизга, 2010 йилда эса 50-52 фоизга етказиш муҳим вазифалардандир.***

(Давоми 2-бетда).

## Совғага 400 та тикув машинаси

***Жиззахда бўлиб ўтган йирик саноат корхоналарида касаначиликни ривожлантириш ва янги иш ўринларини ташкил этиш мавзуидаги кўргазмали семинар ажойиб тадбир билан бошланди.***

■ Касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг 400 нафарига тикув машиналари совға қилинди.

Хитойда ишлаб чиқарилган, умумий қиймати 35 миллион сўмлик тикув машиналари асосан ҳомийлар маблағи ҳисобига харид қилинган.

Семинар иштирокчилари вилоят шаҳар ва қишлоқларида фаолият кўрсатаётган касаначилар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси билан ҳам танишдилар.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ДУНЁ НИГОҲИ

**— Ўзбекистонда демократияни ривожлантириш тажрибаси инсон ҳуқуқлари ўзбек халқи томонидан юксак қадрланиши ва миллий дунёқарашнинг ажралмас қисми эканини намоён этди... Гуллаб-яшнаётган ва жадал ривожланаётган Ўзбекистон жаҳон иқтисодиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшувчи салоҳиятга эга.**

**Сандра БЕРЕСЗКИ,**
**Монреаль МакГилл университети юридик факультети ҳуқуқшуноси.**

*Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган ишлар натижасида ўзбек миллий кураши жаҳонга юз тутди. Дунёнинг 87 мамлакати Халқаро кураш ассоциациясига аъзо бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун мунтазам ўтказиб келинаётган Шаҳрисабздаги Амир Темур, Сурхондарёдаги Ат-Термизий халқаро турнирлари нафақат ўзбек полвонларининг, балки хорижлик курашчиларнинг ҳам номини дунёга танитмоқда.*



## ЖАҲОН АЛПЛАРИ АЛПОМИШ ЮРТИДА

### Ал-Ҳаким ат-Термизий турнири

■ Термиз шаҳридаги "Алпомиш" стадионида 13 апрель куни Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий VIII Халқаро турнир бошланди. Ушбу нуфузли мусобақада Буюк Британия, Греция, Бразилия, Франция, Исроил, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Янги Зеландия, Польша, Эрон, Венгрия, Ҳиндистон, Жанубий Африка, Хитой, Макао каби ўттизга яқин мамлакатдан келган полвонлар етти вазн тоифаси бўйича беллашади.

Икки кун давом этадиган мусобақада 400 нафарга яқин полвон гиламга чиқиши кутилмоқда. Улар орасида кураш ихлосмандларига яхши таниш бўлган ўзбекистонлик Абдулла Тангриев, Давлат Чориев, Бобур Кувватов, жанубий африкалик Гэри Эндирхолд, грециялик Георгиос Андреадес, англиялик Джейси Молли, эронлик Муҳаммад Никунжод сингари таниқли полвонларнинг борлиги мусобақалар муросасиз кечишидан далолат беради.

— Ўзбек кураши мен учун янги, айни пайтда жуда қизиқарли спорт тури ҳисобланади, — дейди бразилиялик полвон Уолтер Дос Сантос. — Рақибларим орасида кучли полвонлар кўп. Бу эса курашнинг тобора оммавийлашиб бораётганидан, унга қизиқувчилар сафи кенгаяётганидан дарак беради. Бизнинг мамлакатимизда ҳам кураш ёшларнинг энг севимли спорт турларидан бирига айланган.

Сурхондарё вилояти ҳокими А.Эшмуротов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Республика кураш федерацияси президенти А.Орипов ва бошқалар турнир иштирокчилари ҳамда меҳмонларини кураш – спорт байрами билан табриклади. Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда аҳолини оммавий спортга жалб этиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тарғиб қилиш, айниқса, болалар ва хотин-қизлар ўртасида спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталди. Халқаро турнир доирасида кураш бўйича хотин-қизлар ўртасида жаҳон чемпионатининг ўтказилаётгани ҳам ушбу эътибор самарасидир.

Анъанага мувофиқ мусобақа кекса полвонларнинг кўргазмали чиқишлари билан бошланди.

Халқаро турнирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

# ҲУНАРЛИНИНГ НОНИ БУТУН

***Ўзбекистон Қаҳрамони, Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси оператори Ботирали Темировни Фарғона саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари даврасида, ўқув даргоҳида уюштириладиган тадбирларда тез-тез учратамиз. Ўтган йили Б.Темировнинг ташаббуси билан коллежда «Касблар фестивали» байрам тадбири ўтказилган эди. Энди бу хайрли ташаббус вилоятдаги бошқа коллежларда ҳам қанот ёзди.***



— Коллежни мен нафақат касб-ҳунар сирларини ўргатадиган, балки катта ҳаётга йўлланма берадиган ўқув даргоҳи деб тушунаман, — дейди у фахр билан. — Эсимда, бундан 30 йил аввал ўша даврдаги индустриал техникумда ўқиб, йўлланма билан Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонасига ишга келган эдим. Кам бўлганим йўқ. Нефть ва газ саноати ходимлари орасида биринчилардан бўлиб мамлакатимизнинг олий нишони соҳиби бўлдим. Эл-юрт эъзозига тушдим. Бу эътироф ва ҳурмат учун жонажон касбимга меҳр уйғотган ўқув даргоҳимдан бир умр миннатдорман. Шу туфайли коллеж билан сира алоқамни узганим йўқ.

Дарҳақиқат, бундай миннатдорчилик сўзларини, дил изҳорларини нафақат вилоятдаги, балки мамлакатимиздаги тўнғич ўрта махсус касб-ҳунар маскани шаънига қутлуғ байрамлар, тантанали маросимларда бот-бот эшитиш мумкин. Даргоҳни қирқ йил давомида 23 мингдан зиёд саноат йўналишидаги мутахассислар битириб чиқди. Шу ерда кимёгарлик, чилангарлик, пайвандчилик, асбобсозлик, самолётсозлик, саноат жиҳозлари монтажи, операторлик касбларини ўрганган минглаб ишчилар, ҳунарманд усталарни айни пайтда Марказий Осиё давлатларида, Россиянинг қора олтин изловчилари, «зангори олов»ни тизгинловчилар сафида ҳам кўриш мумкин.

Коллежнинг чинакам йўналиши, ҳақиқий қиёфаси истиқлол йилларида кашф этилди, дейиш мумкин. Фикримизни биргина мисол билан далиллаб ўтмоқчимиз. Ўқув маскани дастлаб 40 нафар ўқувчи билан иш бошлаган, чорак аср мобайнида талабалар сони 700 нафар етган бўлса, сўнгги 15 йилда коллеж мақомини олиб, бу ерда таълим олаётган, касб-ҳунар ўрганаётган ўқувчилар сафи деярли уч баробарга кўпайиб, 2000 кишидан ортиб кетди. Аҳил, изланувчан педагогик жамоа шаклланди. Ҳозир бу ерда 122 нафар устоз-педагоглар ёшларга таълим бераяпти. Улар орасида фан номзодлари, ўндан зиёд «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус касб-ҳунар таълими аълочиси» деган шарафли номга сазовор бўлган мураббийлар бор.

Коллежнинг вилоятдаги

## Кадрлар тайёрлаш миллий дастури— амалда

соҳадош ўқув масканлари орасида нуфузи, айниқса, жамоанинг аҳиллигини кўрсатиб турувчи муҳим бир далил бор. Билим масканини 42 йиллик тарихи давомида икки раҳбар бошқарган, холос. Даргоҳга дастлабки пойдеворни қўйган Ҳотам Боймуродов 32 йил мобайнида директорлик қилган бўлса, сўнгги ўн йилда жамоага талабчан ва изланувчан раҳбар, физика-математика фанлари номзоди Жамолиддин Абдуллаев етакчилик қилаяпти. Сўнгги ўн йил ичида илгариги ўқув бўлимлари ўрнида 9 та фан кафедраси вужудга келди. Ўзида 52 та замонавий компьютерларни мужассамлаштирган 3 та компьютер, 3 та лингафон синфлари, 82 та махсус жиҳозланган фан кабинетлари, ўқув устахоналари пайдо бўлди. Кутубхона ахборот-ресурс марказига айлантирилиб, китоблар сони салкам 38 мингтага етказилди.





Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастури талабларидан келиб чиққан холда ишлаб чиқариш корхонаси, ўқув юрти ва битирувчи ҳамкорлигига асосланган алоҳида тизим ишлаб чиқилган. Бу уч томонлама шартномада «Буюртмачи» яъни, корхона талабани ишлаб чиқариш амалиёти даврида энг кам иш ҳақи миқдорида маош тўлаш, битиргандан сўнг иш билан таъминлашни, моддий ёрдам кўрсатишни зиммасига олади.

Коллеж Фарғона механика корхонаси билан девор-дармиён қўшни. Корхонада меҳнат қилаётганларнинг аксарияти коллежни битириб шу ерга ишга ўтишган. Корхона билан коллеж ўртасида уч томонлама тузилган шартномага қатъий амал қилинаяпти. Шу йилдан бошлаб эса шартномалар «Евразия ТАПО диск», «Авто ойна», Фарғона нефтни қайта ишлаш корхоналари ўртасида ҳам имзоланди.

Ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида тузилган бу шартномалар амалиётда қўлланилаётган «Устоз-шогирд» анъаналарида ҳам ўз самарасини бераяпти. Масалан, Виталий Клименко бундан чорак аср илгари билим юртини тамомлаб, механика корхонасига ишга келган эди. Ҳозир у «Евразия ТАПО диск» қўшма корхонасида бош механик. Корхонага ҳар йили ўнлаб ёш мутахассислар ишга келади. Улар орасидан саноат коллежида ҳунар ўрганиб, шартнома асосида ишга келганларни бош механик ўз фарзандидай кутиб олади. Коллежни битирган талабалар ҳозир устанинг Музаффар Эралиев, Алмурод Баракабоев, Шерзод Мирзашарипов, Ғайрат Сайфуддинов каби шогирдлари сафида маҳоратларини оширишмоқда. «Авто ойна» қўшма корхонасига коллеждан ёш мутахассислар келганини эшитган уста Шуҳрат Мусиқов уларга пешвоз чиқди. Қадрдон коллеж талабаларини «ўз қаноти» остига олди. Кечаги ўқувчилар Шерзод Ҳакимов, Юрий Золотихлар бугун дунё кезиб юрган «Дамас», «Тико», «Нексия» ва «Матиз»ларга ойна тайёрлаб беришяпти.

Фарғона механика корхонасида меҳнат қилаётганларнинг деярли ярмини ҳазиломус «девор ошиб ўтган ишчилар» дейишади. Яқинда корхонанинг жанубий ҳудудига туташ девор ортида талаба бўлиб юрган Сайдулла Гулматов, Инна Тельних, Ноил Гизетдиновларнинг бири техник назорат бўлими, бири технологик бўлим, яна бири эса цех бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда. Катта акаларининг изидан борган Дмитрий Китаев, Валерий Панкратов, Рашид Асфандиёровлар ҳам корхонанинг пешқадам ишчилари сафидан ўрин олишмоқда. Коллежни 2005-2006 ўқув йилида тамомлаган 510 нафар ўқувчи вилоятдаги турли корхона, ташкилот, ҳиссадорлик жамияти, кичик корхоналарда муқим, доимий иш жойига эга бўлдилар.

Бугун саноат касб-ҳунар коллежини АҚШ, Жанубий Корея, Германия каби олис давлатларда ҳам билишади. Чунки коллеж директори Ж.Абдуллаев Нью-Йорк университети қошидаги коллежда, кимё фани ўқитувчиси Сеул шаҳридаги билим юртида, Дониёр Эралиев эса Германиянинг Маннхайм шаҳридаги ўқув даргоҳи ва дунёга машҳур «Бош» фирмасида малака ошириб, замонавий таълим бериш услубларини ўрганиб, тажрибаларини қадрдон ўқув масканларида қўлламоқда. Яна бир ёш мутахассис Жаҳонгир Ғуломов ҳам яқинда Германияга малака оширгани жўнаб кетди. Коллеж билан дунёга машҳур бундай фирмалар, ўқув масканлари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш ишлари янада давом этади.

Демак, Фарғонадаги бу шинам, ўз анъаналарига эга коллеж талабаларига хориждан ҳам буюртмалар келиб қолса, ажаб эмас.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Мацакис ҳибсда

**Кипр оролида Буюк Британия ҳарбийлари Европарламент депутати Мариос Мацакисни қамоққа олди. Бирлашган Қироллик Мудофаа вазири вакилининг сўзларига кўра, депутат мамлакат ҳарбий базасида жиноят қилганликда айбланаяпти. Кипр Республикаси ташқи ишлар вазири мамлакатнинг Европарламентдаги депутатининг зудлик билан озодликка чиқарилишини талаб қилаяпти.**

**Мацакис Кипр ҳудудида Буюк Британия ҳарбий базаларининг мавжуд бўлишига қаршилик билдирган сиёсатчилардан биридир.**

### Бош вазир таклифи

**Покистон Бош вазири Шавкат Азиз Россия компанияларини Эрон-Покистон-Ҳиндистон ҳудудларида газ қувури қуришга таклиф этди. Унинг сўзларига кўра, агар ушбу режа амалга ошадиган бўлса, Россия концернлари лойиҳанинг бир қисм акцияларига эгалик қилиши ҳам мумкин. У бу ҳақда Россия Бош вазири Михаил Фрадков билан ўтказган учрашувида маълум қилди. Эслатиб ўтамиз, 2005 йилда «Газпром» ва Покистон Нефть ва табиий ресурслар вазири ўртасида меморандум имзоланганди.**

### Ереванда портлашлар

***Ереванда парламент сайловлари арафасида иккита портлаш рўй берди. Иккаласи ҳам Арманистондаги етакчи партиялардан бирининг биноларида содир этилди.***

Сўнгги маълумотларга кўра, хунрезлик оқибатида ҳеч ким жабр кўрмаган. Мамлакат президенти Роберт Кочарян ҳуқуқ-тартибот органларига мазкур теракторлар юзасидан кенг кўламли текширув ўтказиш юзасидан топшириқ берган.

Давлат раҳбари матбуот котиби Виктор Согомонян ушбу хунрезликлар май ойида ўтказилиши кутилаётган парламент сайловлари олдидан мамлакатда беқарорликни юзага келтириш мақсадида амалга оширилганини таъкидлади.

### Самолётлар учмади

**Франциядаги «Руасси Шарль де Голль» ва «Орли» аэропорти авиадиспетчерлари 12 апрелда бир кунлик иш ташлаш эълон қилишди. Натижада аэропортлар иши тўхтаб қолди. Авиакомпаниялар ички қатновларни бир кунга кечиктирди.**

**Аэропорт ходимлари мамлакат фуқаро авиацияси бош бошқармасининг Париж ҳудудида авиадиспетчерлик хизматини қайта ташкил этиш режасидан норози бўлишмоқда. Режага кўра, барча ҳаво йўли ҳаракатлари назорати марказлашган ҳолда бошқарилади.**




### Тоғ устидаги ҳалокат

**Германия Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли қирувчи самолёт Швейцариянинг Альп тоғларида қулаб тушди. Натижада бир учувчи ҳалок бўлди, бири эса жароҳатланди. Швейцария Мудофаа вазирлиги вакилининг билдиришича, самолёт ҳалокатга учрамасдан олдин мамлакат ҳарбий ҳаво базасидан етарли даражада ёнилғи қуйиб олган экан. Ҳалокат сабаблари ўрганилаяпти.**



### Шароннинг аҳволи яхшиланган, бироқ...

Исроил собиқ бош вазири Ариэль Шароннинг соғлиғи бироз яхшиланган. «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги маҳаллий матбуот маълумотига таяниб ана шундай хабар тарқатди. Бироқ 79 ёшли Шарон ҳали ҳам кома ҳолатида. Шифокорлар бу маълумотга изоҳ беришни рад этишди.

Эслатиб ўтамиз, собиқ бош вазир ўтган йилнинг январь ойида инсульт хасталигига чалиниб, шифохонага ётқизилганди. Шундан сўнг унинг аҳволи ёмонлашиб, беҳуш ҳолга тушганди.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

## Болгариялик рассом кўргазмаси

**Пойтахтимиздаги тасвирий санъат галереясида болгариялик рассом Борис Стайковнинг «Ягона осмон остида» номли кўргазмаси очилди. Уни Болгариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташкил этди. Кўргазмадан мусаввирнинг 50 дан зиёд асарлари ўрин олган. Б.Стайков асарлари шу кунгача Япония, Россия ва Болгарияда намойиш этилган эди. Кўргазмада ўзбек рассомлари Х. Мирзаҳмедов, В. Акудин, В. Луконинларнинг Болгария ҳақидаги асарлари ҳам намойиш қилинаяпти.**

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**«Туркистон-пресс» мухбири.**

**Ишбилармон, тадбиркор жаноблар ва Республика кўчмас мулк биржасида рўйхатдан ўтган биржа аъзолари диққатига!**

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ (РКМБ)**

республикамизда тадбиркорликка ва хусусий мулкчиликка нисбатан кўрсатилаётган алоҳида эътибор ҳамда имтиёзлардан келиб чиққан ҳолда юртимиз тадбиркорлари ва хорижий инвесторларга биржа савдоларида иштирок этишлари учун янада кенгроқ имкониятлар яратиш мақсадида РКМБ тизимида марказлашган электрон биржа савдолари 2007 йилнинг 16 апрель кунидан бошлаб савдо сессияси кунлари

подавлат мулклар бўйича соат 9.30 дан 11.30 гача,
давлат мулклари бўйича соат 14.30 дан 16.30 гача
ўтказилишини маълум қилади.

РКМБ тизимида савдо сессиялари доимий равишда ҳар ҳафтанинг расмий иш кунлари ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш-2/4 даҳаси, Ўразбоев кўчаси, 1-«А» уй, «Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ.
Телефонлар: 399-84-48, 399-79-52.
Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН, ТАДБИРКОР ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ
**«УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»**
**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**2007 йил 15 май куни соат 15.00 да Фарғона ш., А. Навоий к., 47-«А» уй, «Универсал биржа маркази» биносида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулк қўйилмоқда:**

Суд ижрочиларининг Охунбобоев тумани бўлинмаси томонидан 2006 йил 15 декабрдаги №15-06-05/16179-сонли ижро ҳужжатига асосан рўйхатга олинган, Охунбобоев тумани, Қора-қушчи ҚФЙ, Бешкапа қишлоғида жойлашган, М. З. Толибжонҳожи фермер хўжалигига тегишли молхона бино иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 44 000 000 сўм.

Мулк 2007 йил 15 май кунидаги савдода сотилмай қолса, 2007 йил 18, 22, 25, 29 май кунлари қайта савдога қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамларига тўлашлари шарт:
- *жисмоний шахслар учун: транзит ҳ/р 29804000900000493415 ЎзР ТИФ МБ Фарғона филиали МФО 00493, ИНН 204325773;*
- *юридик шахслар учун: ҳ/р 22622000904234776001 ЎзР ТИФ МБ Фарғона филиали, МФО 00493, ИНН 204325773.*

Савдода иштирок этиш учун топшириладиган ариза ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин, соат 15.00 да тўхтатилади.

*Хизматлар лицензияланган*

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан, шунингдек, савдога қўйилган мулклар билан танишиш истагида бўлганлар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Ўзбекистон банклар ассоциацияси «Универсал биржа маркази» Фарғона вилояти филиали, Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 47-«А» уй, 2-хона. Телефонлар: 226-45-48, 226-95-98.

**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ**

*2007 йил 17 апрель соат 18.00да*

Премьера

Эдуардо де Фелиппо

**«ТУН АЛБАТТА ЎТАДИ»**

(Неаполь – город миллионеров), драма.

Саҳналаштирувчи режиссёр – Александр Гамиров.
Таржимон – Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим.
Режиссёр – Муборак Мадазимова.
Саҳналаштирувчи рассом – Шуҳрат Абдумаликов.
Либослар бўйича рассом – Севара Зуннунова.
Мусиқаларни Шуҳрат Нуралиев танлаган.
Режиссёр ёрдамчиси – Қаҳрамон Болтабоев.



*Ҳурматли ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, боғ соҳиблари, тадбиркорлар!*

**«ОКСИГУМАТ»**

ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи, озиқланишини, касалликларга қарши ҳимояланишини бошқарувчи — стимулятор.

Янгилик!

*Янги, юқори самарали, бетакрор хусусиятли препарат. «Оксигумат» биологик фаол препарат сифатида қишлоқ хўжалигида уруғларнинг унумдорлигини ошириб, кўчатларнинг илдиз отиши ва яхши тутиб кетишини таъминлайди.*

- ҳосилдорликни оширади,
- маҳсулотларнинг сифатини яхшилайди,
- тупроқ таркибидаги микроорганизмларнинг ҳаёт фаолиятини ривожлантиради,
- мавсумий ўзгаришлар суръатини ва пишишини тезлаштиради (10-20 кунга),
- касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини кучайтиради,
- минерал озиқланишини мақбуллаштиради,
- тупроқнинг аллелопатик зўриқишини камайтиради.

«ОКСИГУМАТ» — қўшимча ҳосилни таъминлайди.

| | | |
|---|---|---|
| Бодринг | — | 30 - 40 % |
| Буғдой | — | 35 - 40 % |
| Гуллар | — | 13 - 25 % |
| Дуккакли экинлар | — | 60 - 80 % |
| Картошка | — | 40 - 50 % |
| Кунгабоқар | — | 50 - 70 % |
| Лавлаги | — | 35 - 40 % |
| Маккажўхори | — | 40 - 60 % |
| Пахта | — | 50 - 70 % |
| Пиёз | — | 30 - 40 % |
| Полиз экинлари | — | 50 - 60 % |
| Помидор | — | 25 - 30 % |
| Сули | — | 20 - 40 % |
| Шоли | — | 70-90 % |

Экологик зарарсиз. Давлат кимё комиссияси томонидан Ўзбекистонда ишлатиш учун рухсат этилган. ГУВОҲНОМА № А 947.

«Гранд агро плюс» фирмаси
Манзил: Тошкент ш. Ғ.Мавлонов к., 52/2 уй.
Тел.: 135-87-05, 449-30-84, 135-53-15 (кечқурун), 330-13-44.

SiRUBA



ПОД ЗАКАЗ
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

184-83-25 184-83-26 142-77-03

***Дунёнинг бирор ривожланган давлатида кичиккина кашфиёт яратилса, бутун оламга жар солинади. Жаҳон матбуотида унинг янгилиги, аҳамиятидан тортиб, яратган олимлар ҳақида саҳифа-саҳифа мақолалар чоп этилади. Яқинда АҚШдаги қайсидир университет тадқиқотчилари томонидан жуда кам энергия сарфлаб ишлайдиган компьютер яратилди. Етакчи олимларнинг яратилган ихтирога баҳоси, нуқтаи назари акс этган хабарлар интернет сайтларини босиб кетди.***

# ШОВ-ШУВГА АЙЛАНГАН КАШФИЁТЛАР



Яна бир мисол. Дунёнинг етакчи ахборот агентликларидан бири Япония ва Америка олимлари кўринмас мато устида иш олиб боришаётгани ҳақида шов-шувли хабар тарқатди. Япон олимлари бунинг уддасидан чиққанлиги ҳақида унда-бунда ўқиб қоламиз. Тасаввур қилинг, плашни киясизу кўринмас одамга айланасиз. Ишонгинг келмайди. Эртакларга ёки фантастик киногa ўхшайди, деб ўйлайдиганлар ҳам бор. Лекин бу ҳақиқат.

Бу каби ҳайратланарли кашфиётлар бизда ҳам яратилмаяптими? Миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришга олимлар ўз илмий изланишлари билан қанчалик ҳисса қўшишаяпти?

Айни пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар ва уларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши жараёни қандай кечаяпти?

Ҳозирда АҚШ, Япония, Германия ялпи миллий даромадининг уч фоиздан кўпроқ қисмини фан-техника ривожига сарфламоқда. Давлат миқёсида олиб қараганда, бу жуда катта маблағ, албатта. Яқинда улар сафига Хитой ҳам қўшилди. Ўзбекистонда эса илм-фан тараққиёти учун улардан-да кўпроқ маблағ ажратилаяпти. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори юртимиз илм-фан оламига бутунлай янгича қарашни олиб кирди.

Ҳар қандай соҳада ҳам рағбат, манфаат бўлсагина ривожланиш бўлади. Соҳа гуллаб-яшнайди. Тараққий этади. Юртимиз илм-фанига ҳам истиқлол эпкинлари кириб келди. Мамлакатимизда яратилаётган кашфиётлар, илмий янгиликларни кўриб, ўзбек олимларига қулай шароит яратиб берилаётганини англаш қийин эмас.

Биргина мисол. Самолётларнинг учиш тезлиги муайян бир нуқтага етганидан сўнг, у ўз-ўзидан титрай бошлайди ва кучли қаршилик туфайли осмонда парчаланиб кетади. Илмий тилда бу «Флаттер ҳолати» деб аталади. Тўғри, бундай ҳодиса камдан-кам учрайди. Аммо бу муаммони бартараф этиш йўлида дунёнинг бир неча ўнлаб халқаро илмий-текшириш институтлари тинимсиз иш олиб бораяпти. Авиация компаниялари бунинг учун катта-катта маблағ сарфламоқда.

1996 йилда «Боинг» самолётсозлик компаниясининг бир гуруҳ делегацияси юртимизга ташриф буюрганди. Ўшанда Тошкент давлат авиация институтининг кафедра мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор Фахриддин Бадалов раҳбарлигидаги олиб борилаётган илмий изланишлар делегация аъзоларини қизиқтириб қўйди. «Боинг» корпорацияси раҳбарияти ушбу ўзбек олимига «Флаттер ҳолати» муаммосига ечим топиш учун буюртма берди.

Фахриддин Бадалов бу ишни қойилмақом қилиб уддалади. Натижада «Боинг» самолётларидаги «Флаттер ҳолати» содир бўлиши эҳтимоли 2,5 бараварга камайди. Самолётларнинг мукаммаллиги 1,7 баробарга ортди.

Мамлакатимизда кўплаб илмий изланишлар олиб борилаяпти, ихтиролар қилинаяпти. Лекин уларнинг муҳимларини танлаш ҳам катта аҳамият касб этади. Ҳозирда бу вазифа Инновация фан-техника фаолиятини молиялаштириш жамғармасига юклатилган.

Вазирликлар ва идоралар томонидан тақдим этилган лойиҳалар чуқур, ҳар томонлама, муҳими, ошкора тарзда муҳокама қилингандан сўнг жамғарма дастурларига киритилади. Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, учта йўналиш — фундаментал, амалий тадқи-

▼ **Фахр**

қотлар ва инновация дастурларини танловлар асосида мустақил равишда шакллантириш ҳамда молиялаштириш Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда амалга оширилаяпти. Фаннинг ролини кучайтиришда бу тизим яхши самара бермоқда.

Инновация лойиҳалари давлат бюджети маблағлари ва ҳиссадорлик асосидаги бюджетдан ташқари манбалар – вазирликлар, идоралар, иқтисодиёт тармоқлари ва ташкилотларнинг ҳисобидан «Буюртма – натижа» механизми бўйича молиялаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан яратилган тизим қисқа вақтда ўзининг ҳаётийлигини кўрсатди. Тизимнинг дастлабки самаралари жуда улкан. Яратилган кашфиётлар билан дунёга мақтансак, чет элдагига ўхшаб шов-шув кўтарсак арзийди.

Шу ўринда натижаларнинг баъзиларига қисқача тўхталсак. Самарқанд кимё заводида маҳаллий хомашёдан янги нитрокальцийфосфатли ўғит ишлаб чиқариш технологияси яратилди. Заводдаги мавжуд технологик ускуналар ва янги ишланган қўшимча ускуналар асосида ўғит ишлаб чиқарувчи саноат тизими ишга туширилди. Барча асосий технологик жараёнлар ва меъёрий-техник ҳужжатлар тайёрланди. Тажрибаларнинг кўрсатишича, ўғитнинг озуқалик даражаси суперфосфатникидан икки баравар кўпайиб, у айниқса юқори даражада шўрланган майдонларда яхши самара берди.

Ушбу технологиялар кўмагида истеъмолчиларга 15 минг тоннадан ортиқ маҳсулот етказилди. Икки йил давомида технологиянинг иқтисодий самарадорлиги 1 миллиард сўмдан ортиқни ташкил этди. Шундан 1,5 минг тоннаси 69,12 минг АҚШ долларига хорижга экспорт қилинди.

Янгийўл пахта тозалаш заводида 1 СХС русумли пахта хомашёсини қайта ишловчи агрегатнинг саноат тажрибалари муваффақиятли якунланди. Агрегатнинг энергия истеъмоли аналогларидан 28 фоизга кам, қурилмага сарфланадиган темир ҳажми 21 фоизга озайди. Жорий йилда «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг барча минтақавий бошқармалари учун 12 та янги машиналар ишлаб чиқарилиб, ишга туширилади. Бу янгилик ҳам заводга бугунги кунда миллиард-миллиард сўм фойда келтирмоқда.

Ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш мақсадида «Ўзметкомбинат»да энергия тежаш қурилмасининг саноат синовлари ўтказилди. Натижада, комбинатнинг ВШ 2,3/400 компрессор қурилмасининг энергия истеъмоли 30 фоизга, ХЭК КТЦ-31,5 русумли вентилятор қурилмасининг энергия истеъмоли 36 фоизга камайди. Ушбу қурилмани комбинатнинг барча цехларида қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ҳозирги кунда республика иқтисодиётида муҳим ўрин тутаётган энергетика саноати объектлари атроф-муҳитни ифлослантирувчи асосий манбалардан ҳисобланади. Жумладан, 40 йилдан ортиқ даврдан бери фаолият кўрсатаётган Ангрен ГРЭСи 15 млн. тоннадан ортиқ чиқиндилари атроф муҳит ифлосланишига сабаб бўлаётганди.

Кулнинг таркибида 35 фоизгача темир ва алюминий қотишмалари, 20 фоиздан ортиқ кальций оксиди мавжуд. Инновация дастури доирасида, биринчи марта ушбу чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан металл қоришмаларини ажратиб олиш технологияси яратилди ва жорий этилди. Қуввати 100 кг./соат бўлган қурилма ишга туширилди ва янги технология асосида 100 кг. чиқинди — кулдан таркибида 90,9 фоиз темир элементи бўлган, ГОСТ 1412-85, 1415-83, 1583-93 талабларига мос келадиган қоришмалар олинди, технологиянинг янгилиги давлат патенти билан ҳимоя қилинди.

Биз мухтасар мақоламизда кейинги қисқа даврда яратилган илмий янгиликлар ва ихтироларнинг баъзиларини келтириб ўтдик. Бу денгиздан бир томчи, холос. Ўзбекистондаги иқтидорли олимлар яратаётган кашфиётлар, илм-фанга киритилаётган янгиликлар нафақат миллий, балки жаҳон иқтисодиётига ҳам катта фойда келтирмоқда. Зеро, жаҳон цивилизациясига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган буюк аждодларнинг бугунги авлоди ҳам улар анъанасини муносиб давом эттираяпти.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Футзал ●

*13-19 май кунлари Япония пойтахти Токиода футзал бўйича IX Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Куни кеча қитъа чемпионатига қуръа ташланди.*



# Энди навбат олтинга

Хабарингиз бор, футзал бўйича мамлакатимиз терма жамоаси халқаро учрашувларда катта тажриба тўплаган. Турли йилларда уюштирилган қитъа чемпионатларида совринли ўринлар қўлга киритилган.

Ўтган йили пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида ташкиллаштирилган VIII Осиё чемпионатида ҳам футзалчиларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Фақат финал ўйинида Япония терма жамоасига имкониятни бой берган йигитларимиз кумуш медаль билан тақдирланишган эди.

Бу йил ҳамюртларимиз ўз олдиларига янада каттароқ мақсад қўйишган. Демак, аввалги кумуш, олтин медалга айланадими, йўқми, буни яқин кунларда билиб оламиз. Қолаверса, мусобақа 2008 йил Бразилияда ўтадиган жаҳон чемпионати олдидан ҳам футзалчилар учун ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтайди.

**"А" гуруҳи:** Гонконг, Тожикистон, Филиппин, Япония

**"В" гуруҳи:** Ўзбекистон, Ироқ, Таиланд, Кувайт

**"С" гуруҳи:** Австралия, Корея Республикаси, Туркманистон Қирғизистон.

**"Д" гуруҳи:** Ливан, Малайзия, Хитой Эрон.

Қуръа натижаларига кўра, 16 та жамоа тўрт гуруҳга бўлиниб, баҳс олиб борадиган бўлишди.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

***Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Республика "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Халқ сўзи", "Народное слово" газеталари Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб шу йилнинг 16-18 август кунлари Элликқалъа туманида республика ёш шоир-ёзувчиларининг***

## «Ақчакўл илҳомлари»

танлови ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Отажон Худойшукуров хотирасига бағишланган V мумтоз қўшиқлар конкурсини ўтказади. Танлов доирасида ёш эстрада хонандалари, халқ ижодиётининг бахши-халфачилик йўналишлари бўйича беллашув ҳам бўлади, шунингдек, ёш ҳайкалтарош, ҳунарманд ва рассомлар кўргазмаси намойиш этилади.

***Ғолиблар тақдирланади***

Танловга ҳужжатлар ва қўлёзмалар шу йилнинг 10 апрелидан бошлаб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси *(Манзил: метронинг* "Халқлар Дўстлиги" бекати, "Ўзбекистон" кўчаси, 16-«А» уй. *Тел: 139-26-91, 395-98-19)* ва Элликқалъа тумани ҳокимлиги *(Манзил: Ш.Рашидов кўчаси, 3-уй. Тел: (361) 585-15-12, 585-19-00)* қошидаги ташкилий қўмитага тақдим этилади.

**Ташкилий қўмита.**


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

**потенциал инвесторлар ва харидорларни республиканинг турли минтақаларидаги ишлаб турган ишлаб чиқариш корхоналарини барча муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилмаси билан бирга, жумладан гаровга қўйилган бошқа мол-мулкни инвестициялаш ёки сотиб олишга таклиф қилади.**

| Лойиҳа мақсади | Лойиҳа бўйича ҳар йиллик ишлаб чиқариш ҳажми | Ускуналарни ишлаб чиқарувчи |
|---|---|---|
| **Андижон вилояти** | | |
| Шоколад қопланган вафли ишлаб чиқариш | 164 млн. қадоқ | «Хаас Ваффельмашинен» (Австрия) |
| Чорва моллари терисини қайта ишлаш ҳамда чарм камзуллар ва манто ишлаб чиқариш | 450 минг дона қайта ишланган тери ва 45 минг дона камзул | «И-ТАКО» (Туркия) |
| Минерал сув, ичимликларни қадоқлаш ва цукатлар ишлаб чиқариш | минерал сув — 11,5 млн. бут.; цукатлар — 57 тонна | «Альберто Бертуцци С.п.А.» (Италия) |
| Музқаймоқ ишлаб чиқариш | 1,2 минг тонна | «Тетра Пак» (Швеция) |
| Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 16,5 минг тонна | «Паван» ва «Брайбанти» (Италия) |
| **Жиззах вилояти** | | |
| Полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш | 4,0 минг тонна хомашёни қайта ишлаш (диаметри 25-250 мм) | «РЛС Пласт» (Германия) |
| Мармар блоклар қазиб олиш | 3 000 куб.м. | «Реж» (Россия) |
| **Қашқадарё вилояти** | | |
| Пишиқ ғишт ишлаб чиқариш | 64 млн. дона | «Керамик Макина» (Туркия) |
| Мармар плиталар ишлаб чиқариш | 60 минг кв.м. | «Тема фруголи» (Италия) |
| Томат паста ва мева бўтқаси ишлаб чиқариш | 10 733 00 халтача томат паста ва бўтқа | «Фенко» (Италия) |
| Дағал мато ишлаб чиқариш | 8 млн. пог. м. | ОАО «Текстильмаш» (Россия) |
| Анор концентратлари ишлаб чиқариш | 490 тонна | «Альберто Бертуцци С.п.А» (Италия) |
| **Навоий вилояти** | | |
| Мармар плиталар ишлаб чиқариш | 60 минг кв.м. | «Педрини С.п.А» (Италия) |
| Гранит блоклар қазиб олиш | 6 000 куб.м. | «Техногранит» (Италия) |
| Мармар плиталар ишлаб чиқариш | 60 минг кв.м. | «Тема фруголи» (Италия) |
| **Наманган вилояти** | | |
| Чорва моллари терисини қайта ишлаш ва чарм камзуллар ишлаб чиқариш | 300,0 минг дона тери ва камзул тикиш — 25,0 минг дона, дублёнка тикиш — 25,0 минг дона | «И-ТАКО» (Туркия) |
| Мева ва сабзавот шарбатларини пакетларга қадоқлаш | 307,7 минг қадоқ | «Пак Лайн» (Исроил) |
| Вино (спиртсиз ва газланган вино) ва арoқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 14 млн. бутилка | «Репарасионес Виниколас С.А.» (Испания) |
| Томат паста ва мева бўтқаси ишлаб чиқариш | 2470 тонна томат паста | «Сасиб фуд» (Италия) |
| Қоғоз ишлаб чиқариш | 5,0 минг тонна | «ECOTEX Int.» (Германия) |
| **Самарқанд вилояти** | | |
| Пайпоқ маҳсулотлари (спортчилар учун ва классик турдаги пайпоқлар) ишлаб чиқариш | 5 млн. жуфт пайпоқ | «Электроника валверди», «Микротекс» (Италия) |
| Бетон черепица ишлаб чиқариш | 635 минг кв.м. | «Контакт моравия» (Чехия) |
| Мева бўтқаси ва томат паста ишлаб чиқариш | 1900 тонна мева бўтқаси 1900 тонна томат паста | «Сасиб фуд» (Италия) |
| Печенье ишлаб чиқариш | 2400 тонна | «IMAFORNI» (Италия) |
| Детонацион чанглатиш усули билан автомобиль деталларини тиклаш | 2,3 млн. отиш | «Адгезия» (Россия) |

| Лойиҳа мақсади | Лойиҳа бўйича ҳар йиллик ишлаб чиқариш ҳажми | Ускуналарни ишлаб чиқарувчи |
|---|---|---|
| **Сурхондарё вилояти** | | |
| Тиббиёт дори-дармонлари ишлаб чиқариш | 426 057 160 дона | «Мекабе Санте» (Маврикия) |
| Минерал сувни қадоқлаш | йилига 1,2 млн. дона 1,5 литрли бутилка | «Стека СА» (Франция) |
| **Тошкент шаҳри** | | |
| Пойабзал ишлаб чиқариш | 722,3 минг жуфт | «Грануччи С.Р.Л.» (Италия), «Данисман Макина Санайи» (Туркия) |
| Пиво ишлаб чиқариш ва қадоқлаш | йилига 3,6 минг гл. пиво | «D&S srol. s.r.o.» (Чехия) |
| Ўров-боғлаш материаллари (тиббиёт бинтлари ва докалари) ишлаб чиқариш | 11 млн. қадоқ | «Электроника валверди», «Фиттекс Лтд» (Италия) |
| Музқаймоқ ишлаб чиқариш | 1,4 млн. дона | «Тетра Пак Хойер» (Дания) |
| Куйдирмайдиган тефлон қопламали ошхона идишлари ишлаб чиқариш | 2 млн. дона | «CEM Madeni Esya Senayi A.S.» (Туркия) |
| Қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва қадоқлаш: - печенье - картошка чипслари | - 2,8 минг тонна - 0,24 минг тонна | «Имафорни» (Италия) «Ливатти» (Италия) |
| Қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва қадоқлаш: - япалоқ вафлилар - узун кесилган макаронлар | - 2,9 минг тонна - 9,0 минг тонна | «Хебенштрайт-Рапидо» (Германия) «Брайбанти» (Италия) |
| Сопол кошинлар ишлаб чиқариш | 600 минг кв.м. | «Велко» (Италия) |
| Полимер идишлар ва ПЭТ-преформалар ишлаб чиқариш | 32,4 млн. дона ПЭТ-преформа; 40 млн. тўплам бир марта ишлатиладиган идиш-товоқ | «Miller Trading GmbH» (Голландия) |
| Хонадонлар сув қувурлари учун сув аралаштиргичлар, жўмраклар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш | Сув қувури аралаштиргичлари ва жўмраклари — 500 минг дона; танаворлар (латундан қуйилган корпуслар) — 250 минг дона | «Галфитек Гальвано-унд Фальтертехник Гюнтерсберге ГмбХ» (Германия) |
| Полипропилен қоплар ва тўрвалар ишлаб чиқариш | 10 млн. дона — қоп, 10 млн. дона — тўрва | Шинжон ташқи савдо бирлашмаси (ХХР) |
| **Тошкент вилояти** | | |
| Оқсил изоляти ишлаб чиқариш | 7 минг тонна | «Варта Индастрис Корп.» (Канада) |
| Болалар пойабзали ишлаб чиқариш | 110 минг жуфт | «Вега Маркетинг Г.м.б.х», «Binder & Co» (Австрия) |
| Линолеум ва ПВХ плёнкалари ишлаб чиқариш | 20 млн. кв.м. | «Эрмафа Кунстштофтехник Хемниц ГмбХ» (Германия) |
| Гранит плиталар ишлаб чиқариш | 60 минг кв.м. | «Бретон» (Италия) |
| **Хоразм вилояти** | | |
| Эркаклар пойабзали ишлаб чиқариш | 810 минг жуфт | «Берпел С.р.л.» (Италия) |
| Терини қайта ишлаш ва чарм камзуллар ҳамда дублёнкалар ишлаб чиқариш | 300 минг дона тери, 25 минг дона камзул ва 25 минг дона дублёнка | «Дери Максан», «Оздерсан», «Вилдирим» (Туркия), «Москони & Ко» (Италия) |
| Шарбатлар, мева бўтқаси ва томат паста ишлаб чиқариш | 1628,3 т. томат-паста, кетчуп ва 3267,9 минг л. бўтқа, шарбатлар | «Фенко» (Италия) |
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | | |
| Томат паста ва томчилатиб суғориш тизимларини ишлаб чиқариш (140 гектар очиқ ер учун) | 2.400 тонна томат-паста, 1000 тонна мева бўтқаси | «Альберто Бертуцци СпА» (Италия) |
| Музқаймоқ ишлаб чиқариш | 288 тонна | «Хойер» (Италия) |
| Калава ип, тўқимачилик ва трикотаж газламалар ҳамда улардан маҳсулотлар, тиббиёт бинти ва докалари ишлаб чиқариш | 9,6 млн. дона бинтлар ва ўраб-боғлаш материаллари, пахта толасидан 1.100 тонна калава ип | «Электроника валверди», «Фиттекс Лтд» (Италия) |

***Бутун объектни сотиб олиш ёки унинг бир қисмини инвестициялаш учун инвесторлардан буюртмалар қабул қилинмоқда.***

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Кичик бизнес бош бошқармаси. Телефонлар: 135-17-02, 134-45-33, 134-11-17, 134-42-69.

*Хизматлар лицензияланган*


**Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси рўйхатида қайд қилинган, «Қўқон-ЛТЗ» Ўзбек — Россия қўшма корхонаси банкрот деб эътироф этилганлиги сабабли, барча даъво ва эътирозлар 1 ой ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар, Истиқлол кўчаси, 16-уй. Қўқон шаҳар ДСИ биноси, тел: 553-58-22, 552-54-17.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси вазирликнинг масъул ходими Улуғбек Аюбовга ўғли **Лазиз АЮБОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Фалсафа кафедраси профессори Отахўжа Баҳодировга опаси **Ҳабиба ПИРНАЗАРОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси тиббий педагогика факультетининг декани, доцент Нуритдин Тоировга акаси **Бобожон ТОИРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси Автоматлаштириш ва ахборот технологиялари бўлимининг бош кутубхоначиси Азизбек Мансуровга падари бузруквори **Мусурмонхон МАНСУРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 35442 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.10 2 3 4 5 6